

Сарвар Собитович АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат шарқишунослик институти,
фалсафа доктори PhD, доцент
ibnsobit@mail.ru

ҚҰРЪОН ВА ТАФАККУР

КОРАН И ФИЛОСОФСКАЯ МЫСЛЬ

QURAN AND PHILOSOPHICAL THOUGHT

АННОТАЦИЯ: Мақолада Қуръони каримда келган машҳур қиссалар атрофида илмий баҳс юритилади. Мазкур қиссаларнинг аввало ислом тарихида тутғун ўрни, шунингдек, улардан олинган асосий хулосалар ҳақида гап боради. Муаллиф Қуръон маъноларининг таржимасига исломшунослик нуқтаи назаридан ёндошар экан, нисбатан эркин фалсафий муношада юритади ва бир вақтнинг ўзида, эътиборли манбалардан фойдаланган ҳолатда хулосалар чиқаради.

Таянч иборалар: Қуръони карим оятлари, қиссалар, Каҳф, Мусо, Зул-Қарнайн.

АННОТАЦИЯ: В статье ведутся научные дискуссии вокруг известных историй из Священного Корана. Прежде всего, эти истории говорят о той роли, которую они играют в истории ислама, а также об основных выводах, сделанных из них. Автор придерживается перевода смыслов Корана с точки зрения исламоведения, придерживается относительно свободной философского мышления и одновременно делает выводы, используя достоверные источники.

Ключевые слова: аяты Корана, рассказы, Пещера, Муса, Зул-Карнайн.

ANNOTATION: The article is devoted to scientific discussions around famous stories from the Holy Quran. First of all, these stories tell about the role they play in the history of Islam, as well as the main conclusions drawn from them. The author adheres to the translation of the meanings of the Quran from the point of view of Islamic studies, adheres to a relatively free philosophical thinking, and at the same time draws conclusions using reliable sources.

Key words: verses of the Quran, stories, Cave, Moses, Dhu al-Qarnayn

ИККИ БОҒ ЭГАЛАРИ

Бу қисса сурада тилга олинган бошқа қиссалардан анчайин қисқалиги билан фарқ қилса-да, моҳиятида бир неча муҳим масалаларга эътибор қаратилади. Хурмозорлар билан ўралган узумзорига эга бўлган икки боғ эгаси ўз боғлари томон борар эканлар, улардан боғи яхши ҳосилга кирган ва Аллоҳ яна бошқа қўшимча бойлик ҳам ато этган киши ўзидаги бор нарсалардан ғурурланиб шеригига сўзлайди: “Менинг мол-давлатим сеникидан кўпроқ ва одамларим кучлироқ, қувватлироқ ва бу молу давлатим ҳеч қачон йўқ бўлмайди. Ва қиёмат ҳам қоим бўлмайди. Мободо бўлган тақдирда ҳам роббим менга бундан ҳам яхшироғини беради” (34-36).

Бу суҳбат воситасида Аллоҳ инсониятга ўзига берилган неъматдан туғёнга кетишини зарбул масал тарзида келтирмоқда. Одатда айрим пулдор одамлар ўз бойликларининг бош омили сифатида ўзларини кўрадилар. Ризқнинг худодан эканини Аллоҳ берган нарсалар учун туғёнга кетиш эмас, балки шукрона неъмат қилиши лозимлигини унутдилар [3:310].

Аллоҳдан кўрқувчи дўсти эса, унинг сўзларига жавобан: “Сен ўзингни (асли-наслинг бўлмиш Одамни) тупроқдан сўнг нутфа — бир томчи сувдан яратиб, сўнгра уни) инсон қилиб ростлаган зот — Аллоҳга кофир бўлдингми?! Мен эса: «У — Аллоҳ Парвардигоримдир», (дейман) ва Парвардигоримга ҳеч қимни шерик қилмайман.

Сен боғингга кирган пайтингда: «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир», десанг эди! Агар сен мени мол-давлат ва бола-чақа жихатидан ўзингдан камроқ деб билсанг. Шоядки, Парвардигорим менга сенинг боғингдан яхшироқ (бир боғ) ато этар (сенинг боғингга эса) осмондан чакмоқлар юборур, бас, у сип-силлиқ ерга айланиб қолур. Ёки унинг суви (ерга сингиб кетиб, сен у)ни истаб ҳам топа олмай қолурсан».

(Дарҳақиқат), унинг мева-боғи ҳалок қилинди. Ўзи эса ҳувиллаб қолган ишқомларини (кўриб) ва уларга сарфлаган нарсаларини (ўйлаб), чапак чалганича (афсус-надомат чекканича): «Қани эди, мен ҳам Парвардигоримга ҳеч

кимни шерик қилмаганимда!» деб қолаверди. Шунингдек, унинг учун Аллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган жамоат бўлди ва на ўзи (ўзига) ёрдам бера олгувчи бўлди (38-43).

Бу икки боғ эгаси ўрталаридаги суҳбатда бойлик билан ғурурга кетиб, одамларни менсимай, кибрланишнинг оқибати қандай бўлиши мумкинлиги гўзал тарзда мўжазгина қилиб ифодаланган. Ушбу қиссада келган маънолар ҳеч қачон ўз моҳиятини йўқотмайди. Ҳолбуки, одамлар орасида бундай калта ўйлайдиган кишилар ҳамиша топилади. Шу сабабдан ҳам бу қисса моҳиятида Аллоҳ таоло томонидан инсон бошига келган яхшилигу ёмонликдан тўғри хулоса чиқариш лозим. Бу ўринда ўз давлати ва бола-чақасининг кўплиги билан мақтанаётган кишига ҳамсуҳбати томонидан айтилаётган бир жумлага алоҳида эътибор қаратиш лозим: “Сен ўзингни (асли-наслинг бўлмиш Одамни) тупроқдан сўнг нутфа — бир томчи сувдан яратиб, сўнгра уни) инсон қилиб ростлаган зот – Аллоҳга кофир бўлдингми?!”

Ғурурга кетган одам “Мен Аллоҳга ишонмайман” деб ошкора айтаётгани йўқ. У фақат бу неъматларнинг бош омили ўзимман деб қараяпти. Ҳозир ҳам бундай одамларни кўп кузатамиз. Айниқса, кимнингдир ҳаётда омади юришмаса, ёки хато қилса, ўшаларнинг ҳолидан кулувчи бадавлат инсонлар йўқми, дейсиз?! Албатта бор! Ўша кулган одамларга худди шу оятдаги каби “Аллоҳга кофир бўлдингми?!” деган саволни берсангиз одоб билан жавоб берганида “Астағфируллоҳ, бу нима деганинг? Алҳамдулиллоҳ мусулмонман” – дейди. Қуръон эса, инсонга ризқни фақат Аллоҳ беришини уқтириш билан бир қаторда, ҳар бир инсон ўзига берилган нарсанинг Аллоҳдан экани, унинг меҳнати ва билими бу ўринда бир воситалигини тушуниб етиши кераклиги таъкидламоқда. Бу ерда инсон илм ўрганмай, меҳнат қилмай яшаса ҳам ризқи келаверар экан, унда илм ҳам ўрганмаймиз ва меҳнат ҳам қилмасак бўлар экан, деган нотўғри хулосага келиш, мутлақо мумкин эмас. Инсонга меҳнат қилиш, илм олиш салоҳиятини ҳам берган Аллоҳ таолодир. Ана шу салоҳиятини ишлатиб ризққа етиши унинг айна Аллоҳ томонидан ризқлантирилганидир. Шу сабабдан инсон бу неъматларга шукр қилиши керак.

Ҳамсуҳбат тилидан ана шу шукр қилиш илоҳий калом маъноси воситасида қуйидагидек янграйди: “Мен эса: «У – Аллоҳ Парвардигоримдир», (дейман) ва Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмайман”.

Бундан кўринадики, ризқни берган Аллоҳга шукр қилишдан тўхташ ва ризқни шахсан ўз меҳнатим ва илмим билан топдим дейиш ширк билан баробардир. Ширк эса кечирилмас гуноҳ: Албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарса ё кимсанинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечиради. Кимки Аллоҳга ширк келтирса, демак, жуда қаттиқ йўлдан озибди. (Нисо: 126)

Бу қисса пировардидаги бир оят мазмуни борки, у аввалги қиссада ҳам бир оз ўзига хослик билан мазмунан тақрорланган. Бу ҳар икки қисса ўртасида маънавий уйғунлик, алоқадорлик борлигини кўрсатади:

Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топгувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун тўғри йўлга йўллагувчи бирон дўст топа олмассан (17).

Шунингдек, унинг учун Аллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган жамоат бўлди ва на ўзи (ўзига) ёрдам бера олгувчи бўлди (43).

Илоҳий қаламнинг бетакрор услуби ҳар икки оятда деярли битта муҳим Аллоҳ иродасини тасвирлар экан, лафзлар бошқача тартибда келса-да, Қуръон қиссалари асли бир моҳият ва бир мабдаънинг хосиласи эканидан далолат бериб турибди.

МУСО ВА ХИЗИР ҚИССАСИ

Таъкидлаш ўринлики, Қуръони каримда энг кўп зикр қилинган пайғамбар бу Мусо алаҳис-саломдир. Аммо, “Қаҳф”даги қисса бошқа сураларда келтирилганлардан тубдан фарқ қилади. Қуръон аввало инсониятни ҳидоятга бошлаш учун ато этилгани шунда ҳам кўринадики, бу ўриндаги Мусо ва Хизир ҳикояти бир қанча муҳим масалаларни башариятга дарс қилиб беради. Аввало қиссанинг қисқача баёнидан бошлайлик:

Маълумки, Ҳазрати Мусо алайҳис-салом Тангри таоло билан бевосита яъни ваҳий фариштаси Жаброил алайҳиссалом воситасисиз мулоқот қилганлар. Шу сабаб у киши ўзларини бошқа пайғамбарлардан ажралиб турувчи бир фазл бордек ҳис қилганлар ва Аллоҳдан сўрайдилар: «Эй Тангрим, одамлар орасида

мендан илми зиёдароқ бўлган киши йўқ бўлса керак-а?». Шунда Аллоҳ: «Сендан олимроқ киши бор, у Хизирдир¹», дейди. Мусо: «У ҳолда мен унинг илмини ўрганмоқчиман, уни қаердан топишим мумкин?» деб сўрайди. Тангри: «Денгиз соҳилидаги қоя олдидан топурсан», деган жавоб бўлади. «У ерга қандай борила?» деб сўраганида, Аллоҳ таоло: «Бир балиқни саватга солиб, йўлга чиқасан, қаерда уни йўқотиб қўйсанг, Хизирни ўша ердан топурсан!» Шундан кейин Мусо хизматкор йигитига балиқ солинган саватни бериб: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман» дейди (60-оят).

Улар анча юрдилар ва йўлда дам олиш учун тўхтадилар. Бу ер айна ўша икки денгиз қўшиладиган ер эди. Лекин икковлари ҳам каттиқ чарчокдан бунга эътибор қаратмадилар. Мусо алайҳис-салом уйқуда эканлар, саватдаги балиққа жон кириб, денгизга қараб йўл олади. Бунинг хизматкор йигит қўради, бироқ хожаси уйғонганда бунинг айтиш ёдидан кўтарилади. Мусо алайҳис-салом уйқудан уйғонгач, яна йўлда давом этадилар. Анча юргач: «Нонуштамизни келтир, ҳақиқатан бу сафаримиздан жуда чарчадик», деган эди, хизматкор: «Бунинг қаранг, биз денгиз соҳилида ором олган вақтимизда, балиққа жон кириб саватдан тушиб денгизга ажойиб тарзда йўл олди. Бунинг сизга айтишни унутибман».

Шунда Мусо алайҳис-салом: «Мана шу биз истаган нарсадир» дедилар ва Хизирни излаб ортларига қайтдилар. Хизирни топгач: Аллоҳ сенга илми ладун ато қилган эканки, менга ҳам шу илмни ўргатсанг, деб сени излаб келдим. Ўзинга берилган илмни менга ҳам ўргатишинг учун сенга эргашсам майлими? – дея сўрайдилар.

Хизир алайҳис-салом ўзларига ато этилган билимнинг нақадар оғир юк эканини билганлари учун ҳам Мусога: бу илмни ўрганиш йўлидаги машаққатларга сабринг етмасов, ҳолбуки инсон ўзи хабари бўлмаган нарсага қандай сабр қилур – дедилар. Мусо ҳам ҳеч иккиланмай: Аллоҳ хоҳласа, сен менинг сабр-тоқатли эканимни

кўурсан. Мен бирон ишда сенга осийлик итоатсизлик қилмасман – дедилар. Ундай бўлса – дейди Хизир - то ўзим сенга бирон нарсга ҳақида айтмагунимча мендан савол сўрамайсан. Мусо табиийки рози бўладилар. Икковлари юриб-юриб бир қирғоқдаги кемага ўтириб, бошқа қирғоққа ўтадилар. Йўлда Хизир кеманинг тагини тешиб қўяди. Мусо бундан ўзларини тутиб тура олмайдилар: «Улар бизга яхшилик қилиб, йўлимизни яқин қилсалару, сен уларни ғарқ бўлишларини истайсанми?!». Шунда Хизир: «Айтдима, сенинг мен билан бирга юришга сабринг етмайди?!». Мусо узр сўрайдилар: узр ёдимдан кўтарилибди, бунинг учун мени ўз ёнингдан ҳайдама, илтимос.

Кейин улар яна йўлда давом этадилар. Йўлда бир гўдак болага дуч келадилар. Хизир бу болани ўлдириб, кўмади. Бу даҳшатни кузатиб турган Мусо яна чиқолмай қоладилар ва: Бир гуноҳсиз болани ноҳақ ўлдириб, бузук иш қилиб қўйдинг-ку. Шунда Хизир: «Мен сенга, сени мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, деган эдим-а?!» - дейдилар. Мусо яна айб ўзларидан ўтганини англайдилар ва: «Агар бундан буён сендан бирон нарсга ҳақида сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилмагин. Чунки бунда сендан ҳеч нарсга даъво қила олмасман».

Сўнг яна йўлга тушадилар. Бир шаҳар аҳлининг олдига келиб улардан таом сўраган эдилар, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Кейин ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, Хизир уни тиклаб қўйди. Мусо деди: Агар хоҳласанг, бу ишинг учун ҳақ олишинг мумкин эди.

Мана энди – дейди Хизир – сен билан менинг ажралиш вақтимиз етди. Ажралишимиздан олдин, сенинг сабр-тоқатинг етмай сўраган нарсалар борасида хабардор эман. Аввало, кема масаласи, у денгизда ишлайдиган мискин-бечораларники эди. Мен уни айбли қилиб қўйдим. Чунки уларнинг ортида барча бус-бутун кемаларни талон-торож қилиб, тортиб олаётган подшоҳ бор эди. Улар албатта бу кемани ҳам кўздан кечирурлар ва нуқсонни борлигини кўриб, эгаллаб олмаслар.

Бояги болага келсак, унинг ота-онаси мўмин кишилардир. Бу бола туғён ва кўфр билан уларни қийнаб қўйишидан кўрқдик ва шу сабаб уларга Парвардигор ундан-да покизароқ,

¹ Сура оятларида Ҳазр исми бевосита таъкидланмаган: Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат (яъни, пайғамбарлик) ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик (65-оят). Бу исм тафсириларда келади.

ундан кўра меҳрибонроқ бошқа бир бола беришини истадик.

Биз тиклаган девор эса шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг оталари жуда яхши киши эди. Бас, Парвардигоринг улар вояга етиб, Парвардигорингнинг раҳмат-марҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу ишларнинг биронтасини ўз-ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилдир.

Қиссадан бир қанча хулосаларга келиш мумкин. Жумладан:

1) Илм чексиздир ҳар бир билувчидан кўра кўпроқ билувчи топилиши мумкин.

2) Хизир – бу Аллоҳ тақдир этган яхшилик ва ёмонликнинг образ воситасидаги талқин. Инсон ижтимоий ҳаётда яшар экан, барча нарса унинг истагича амалга ошмасини яхши биламиз. Шу сабаб баъзан амалга ошаётган нарсаларни астойдил истасагина инсон ўз мақсадига эришади, деган фикр ҳам ўртага ташланиб туради. Лекин гап бу ерда ушбу масалада эмас. Биз кўпинча ўзимиз ўзгартира олмайдиган нарсаларга ортиқча куч сарфлаймиз худди Мусо (а.с) савол бериши мумкин бўлмаган чоғида савол бериб фақат уч маротабагина юз берган воқеликлар ортидаги ҳикматлардан воқиф бўла олди. Ҳолбуки, ғайбни билиш инсон боласи учун эмас. Биз махлуқ сифатида мушоҳада қиламиз. Демак мушоҳадаларимиз, тасаввурларимиз ҳам чегараланган. Энг муҳими уларни айтиш мутлоқ ҳақиқат деб бўлмайди. Инсон кўпинча тақдирий ишлардан нолийди ва “Нега бундай бўлди?” – деб хотиржамлиги йўқолади. Аслида бу табиий чунки Аллоҳ оламда рўй берувчи ҳар қандай оқибатни сабабларга боғлаб қўйган. Ушбу савол билан инсон тўғри хулоса чиқаради ва келгусида ана шундай зарарли оқибатга олиб келувчи сабаблардан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилади. Айтиш дамда эса, тақдирда бўлган нарсаларни исён қилмайди.

Бу ўринда икки масала муҳим. Чунончи, ризқ масаласини олайлик. Илоҳий матнлар унинг ўлчанганлиги, аниқроқ айтганда ким бой ким камбағал бўлиши тақдирий эканига далолат қилади. Бу зоҳиран қараганда одамни ҳаракатдан тўсадиган ечимга ўхшайди. Бироқ ана шу ўлчанган, белгиланган ризқнинг қанча эканини аслида инсон билмайди. Шунинг учун

у ўз ризқини кўпайтириши учун ҳаракат қилиши керак. Иккинчиси эса, бирон нарса унинг ихтиёридан ташқаридаги таъсирлар воситасида қўлидан кетса, ачинмайди. Масалан бир деҳқон бор эди. Унинг боғида мевалар фарқ пишган ва катта даромад қилиши аниқ кўриниб турар эди. У одамга боғлиқ бўлмаган табиий офат эса, уни бу даромаддан маҳрум этди. Ҳолбуки бу қисса ҳам айтиш “Каҳф” сураси қатига жо бўлган.

3) Бу ўринда Мусо алайҳис-саломнинг илм йўлидаги ҳокисорликлари ҳам талаби илмда бўлувчиларнинг ўз устозларига қиларлик муомаласида ўрнатилган бўларлидир.

ЗУЛҚАРНАЙН ҚИССАСИ

Ушбу қисса ҳақида тўхталишдан аввал бир тарихий чалкашлик ҳақида фикр билдиришни ўринли деб биламиз. Кўпинча ушбу сурадаги Зул-Қарнайн шахсини эрамиздан олдинги учинчи асрда яшаб ўтган Александр Македонский билан чалкаштириш кузатилади. Зотан жаҳонгирлик сифатида бу икки шахсни уйғунлик жиҳатлари бўлса-да, аслида улар бошқа бошқа шахс, ҳатто замондош ҳам эмас. Зул-Қарнайн борасидаги хабарлар Қадимги аҳд матнларида ҳам бор ва матнлар Македонскийдан бир неча аср мавжуд эди. Энди қиссанинг қисқача мазмуни билан танишиб чиқамиз:

Аллоҳ Зул-қарнайнга Ерда салтонлик – ҳукмронлик ато этган эди. Шу билан бирга унга шундай иқтидор ҳам берилган эдики, у ўзи кўзлаган барча нарсага йўл-имконият топа оларди. Албатта бу фазл унга оламлар роббиси Ҳақ таоло томонидан ато қилинганди. У Фарбага қараб юриш қилади. Етиб борган жойида бир қавм яшар эди. Аллоҳ унга ўша қавмга нисбатан қандай муносабатда бўлишни истаса шундай муносабат қилишни изн этади. Бу изини кенгроқ тушунмоқ жоиз. Ҳар бир султон ўзга юртни таслим этгач, ўша юрт устида ўзи хоҳлаган ҳукмни қилиш имконига эга бўлади. Зул-Қарнайн эса, «Золим бўлган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар. Энди иймон келтириб яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат — жаннат мукофот бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрурмиз» - дейди.

Сўнгра, у (Шарққа қараб) йўл олди. То (кетаетиб) кун чиқишга етиб боргач, унинг (куёшининг) бир қавм устига чиқаётганини

(кўтарилаётганини) кўрдик, Биз у (қавм) учун куёшдан (сақланадиган уй либос қаби) бирон парда қилмаган эдик. Худди илгаригидек бўлди (яъни, Зул-қарнайн бу қавмга ҳам кун ботишдаги қавмга қилган муомалани қилди). Аниқки, Биз унинг барча ишларидан хабардормиз - (уни) ихота қилиб олгандирмиз.

Юкоридаги оятларда “мағриб” - кун ботар ва “машрик” - кун чиқар манзил тилга олинмоқда. Бугун илм-фан коинот жисмлари ҳаракати борасида аниқ билимларни кашф этган. Шундан биламизки, ғарб ва шарқ манзили бирон нуктада муқаррар эмас. Юкоридаги сўзлар моҳиятини араб тилининг ўзига хос хусусиятидан тўғри англаш мумкин. Грамматика китобларида қайд қилинган “исми замон” ва “исми макон” деб номланувчи “исм” – от сўз туркимига кирувчи сўзлар бир ўзакдан ясалади. Шундай экан, мағриб ва машрик сўzlари нафақат жойни балки вақтни ҳам билдирмоқда. Яъни куёш ботаётган ва чиқаётган вақт.

Бу фикрни қисса марказида турган Зул-Қарнайн иборасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Чунки, “қарн” тахт маносинигина эмас балки “аср”, “давр” яъни вақт маъносини ҳам беради. Зул-Қарнайн – қарнайн эгаси яъни икки тахтнинггина эмас, икки замоннинг ҳукмдори маъносини ҳам бериши мумкин.

Оятлар маъносини уқишда давом этамиз: Сўнгра, у яна йўл олди. То (кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) бирон гапни англай олмайдиган қавмини учратди. Улар: «Эй Зул-қарнайн, шак-шубҳасиз, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) тўлов тўласак, (билан уларнинг ўртасига бир сад чекиб (бир тўғон куриб) берурмисан?)» дедилар. У (Зул-қарнайн) айтди: «Парвардигорим менга ато этган (салтанат) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга (мол-дунё билан эмас, балки) қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай. Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар». То (темир парчалари) иккала тоғ билан баробар бўлгач, (Зул-қарнайн: «(Босқонлар билан) дам уринглар», деди. Бас, қачон у (темир-терсақларни қиздириб) ўт қилгач (эритгач), деди: «Менга эритилган мис (ҳам) келтиринглар, уни (темир парчаларининг) устидан қуюрман. Энди улар у (тўсик) устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар».

«Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим (Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (яъни, Қиёмат қойим бўлишига яқин қолганида), Ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб қўюр. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир», деди у. айни шу оят икки боғ эгалари қиссасида келган хулоса билан ҳамоҳангдир. Инсонга берилган фазлу марҳамат шубҳасиз Аллоҳ таоло томонидандир. Бу юқорроқда таъкидлаганимиз сурадаги қиссаларнинг кўринмас маънавий ип билан боғланганлигига яна бир далилдир.

Айни шу ҳақиқат сура сўнгида янада қатъийроқ оҳангда намоён бўлади: 110. (Эй Муҳаммад, Уларга) айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)» [8:312].

Қуръони карим оятларида бир неча бор “шоядки ақл юргизсангиз”, “шояд тафаккур қилсангиз” деган хитоблар янграйди. Мақолани ёзишга ундаган бош омил ҳам шу. Зеро, Қуръон оятлари тафаккур қилган сари янги маънолар кашф бўлиб бораверади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абул Ҳасан Али Ҳасан ан-Надавий. Пайғамбарлар қиссаси (араб тилидан таржима). Т.: 2016.
2. Алёмов Усмонхон. Тафсири Ирфон. Т.: 2015.
3. Аловуддин Мансур. Қуръони карим оятлари маъноларининг таржимаси. –Т.: 2010.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ал-Бухорий”. Тошкент. “Ҳилол” нашр. 2019.
5. Анбиёлар қиссаси ва унинг аҳамияти. Электрон мақола. islom.uz сайтидан олинди.
6. Кароматов Ҳамидулла. Хўрланган пайғамбарлар қиссаси (монография). Т.: 1996.
7. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим оятлари маъноларининг таржимаси. –Т.: 2014. (мақолада келтирилган барча оятлар таржимаси, ушбу манбадан олинган).
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жузу. Тошкент. 2008.
9. - في قسميها لا يشرقها ريكت نيل يعامسلا ادفا يا نيلا دلمه ماملالا
ريكت نيا ريسقت»«يعطعا نار قلا ريسفت
10. ريسفت. في فومتلما يبطر قلا ير اصنلأا دمحا ن بد محمد الله دعبو يا ماملالا
ن، ار قلا ما كحلأ عمالجا (ماكان ن ار قلا ريسقت مع مجباتك و هـ . ي بطر قلا
(ن باقر قلا ماكحو فتسلما نم نمضت اما ن ريبملاو